



Лузонда кўнгил озишлар ва исирик солишлар



Хангама (Радио хабарларидан)

Лифлид-20. Озчилик ташкил этган эркатоилар масаласини карайтурган шаллакилар камисияси кеча шундай таклифлар киргизди:

1. Хазрат Исонинг тугулиш байрамида (рождествода) Туркия хукумати христианларга хадялар таркатсун.
2. Туркия кўл остида бўлган христиан хотин-кизлари дунёга «янги итбачча» ташласалар (харомзодалари хам шу хисобда) Туркия хукумати тўхтовсиз суюнчиларини берсун.
3. «Янги тугилган харомзодалар»нинг ногорачисига, юпка-чўзмасига, бўйнига осатурган олтун бутига ва бешик тўйисига хам кафил бўлсун.
4. Туркия хазинаси христиан бутхоналарига хар йили янги кўнгирок ишлатуб берсун.
5. Христианларга мутобиъатан хар бир турк ўз уйига «Она худо билан бола худо»нинг суратларини оссун.

6. Хар бир бўйнига беш вақт намоз фарз бўлган турк, ўкуган намозидан кейин христианлар хакига дуо килмокка виждонан мажбур бўлсин.

Агар турклар ушбу таклифларни бош тўлгамай кабул килсалар, иншооллох, ўт балосидан, сув балосидан ва бошка анвойи турлук зиён-захматлардан эмин бўлгайлар. Таклифчилар ўз талабларини турклар тарафидан лом-мим дейилмай кабул килинишига ишонган эдилар. Лекин Туркия вакили Ризо Нурибек бу таклифларга карши шундай жавоб берди.

— Таассуфки, биз бундай эркаликларга кулок бера олмаймиз.

Бу жавобдан сўнг бутун итгифокчи вакилларига безгак касали арз бўлиб икки парашокдан хинин истеъмол қилишдилар. Керзўннинг кўнгли озиб қолиб, ва назилус-кинначига югурди. Иккинчи томонда Исмат поша билан бизнинг Чичерин тўра Ризо Нурибекка исирик солдилар. Бу кун Лузонда кизик томошалар бўлди.

Таржимон: Жулкунбой, «Туркистон», — 1923 йил, 5 январ.
Абдулла Кодирийдан